

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро хайрия жамғармаси



Абу Райҳон БЕРУНИЙ

Йилбоши хосиятлари

Шарқ халқлари Янги йилни уч ярим-тўрт минг йилдан буён шол-хуррамлик билан байрам қилиб келадилар. Наврўз, ҳайитнинг келиб чиқиши, энгу хислатлари, байрам кунлари адо этиладиган расм-русумлар азалий олат-анъаналар ҳақида донишманд халқимиз, улут аллома боболаримиз Наршахий, Беруний, Хожа Али Термизий, Умар Хайём... улмас асарлар яратганлар. Ҳар йили кутлуд Наврўз кунлари уларнинг қимматли фикрларини қайта-қайта тилга оламиз. Бугун биз шулардан бири Абу Райҳон Берунийнинг Наврўз - Йилбоши тўғрисида битиб қолдирган айрим бебаҳо сузларини эътиборингизга ҳавола этаётимиз. Улар буюк олимнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва «Қонуни Масъудий» (арабчадан ҳар иккала китобни ҳам атоқли олим Абдуфаттоҳ Расулов таржима қилган) асарларидан олинди.

Хашвияликлардан бирининг айтишича, Сулаймон ибн Довуд - икковига салом бўлсин - узутини йўқотгач, подшоҳлиги қўлидан кетди. Сунгра қирк кундан кейин (узут) узига қайтарилиб, равнаки ҳам қайтиб келди. Подшоҳлар унинг ҳузурига келдилар, паррандалар тушландилар. Шунда эронликлар: «Наврўзи олам», яъни «Янги кун келди»,- дедилар. Натихала (шу кун) «Наврўз», деб аталди. Сулаймон шамолга буюрди, шамол уни кутариб кетди. Бир қалдирғоч унга рупара чиқиб: «Эй подшо! Уямда бирмунча тухум бор, уларни босиб кетма, нарироқдан ут», - деди. Сулаймон наридан утди ва у ерга тушгач, ҳалиги қалдирғоч тумшугидан сув олиб келиб, унга сеппи ва чигиртканинг бир оёғини ҳалқа этди. Наврўз кунини сув сеппиб, ҳалқлар беришнинг сабаби шундандир.

Аҳам олимлари: «Наврўз кунинда бир соат бор, шу соатда Фируз Фалаги руҳларни маҳлуқотни яратишга ҳайлайди, - деб атайдилар. У куннинг энг саодатли соатлари Куеш соатларидир. Унинг тонсида еруғлик имкон борида (ерга) яқинлашади, одамлар унга қараш билан узларини бахтли санайдилар. У тайлаган кундир, чунки у Хурмуз деб аталган. Бу ном бунёд этувчи, санъаткор, яратувчи, дунени ва унда яшовчиларни тарбияловчи азиз ва улут тангрининг исмидир. Унинг неъмат ва эҳсони булакларининг бир булагини тавсифлашга ҳам тавсифловчининг қудрати етмайди».

Саид ибн ал-Фазл: «Эронистондаги Думо тоғи устида ҳар Наврўз кечаси ҳаво хоҳ очик, хоҳ булутли бўлсин, вақт қандай пайтда бўлмасин чақмоқлар чаққани ва яшин ялтирагани куринади», - деди.

Афсунгарлар: «Наврўз кунини тонг отганда биров гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, уч булак (хушбуй) мум тутатса, бу кун касалликларга шифо бўлади», - деганлар.

(Давоми 2-бетда)

УШБУ СОҲДА

2-БЕТ:

«ЖАҲОН АЙВОНИДА»:
Қўлга калтак олиб, калтаклагандан сўнг кетасан-да.

5-БЕТ:

«ДАРДДАН ХАЛОС ЭТИБ»:
Фарзанд суннат бўлиб туғилса, исми узин билан келди, дея шундай номлаймиз.

3-БЕТ:

«ШОШГАН ҚИЗ»:
Қиз бола бировнинг хасми. Вақти-соати келса, учирма қилиш қочмайди.

6-БЕТ:

«ТАБРИКЛАР, ЭЪОНЛАР»:
Туғилган кунингизда бошингизни қотиринг!

4-БЕТ:

«СУҚМОҚЛАР ЙУПЛАРГА ТУТАШАДИ»:
...Аммо «Эркаклар кенгаши» деган бир атамани сизларга келиб эшитдим.

7-БЕТ:

«УЗОҚҚА ҚИЗ БЕРМАНГЛАР»:
Баъзан дийдор ташналик даражасига етади, баъзан дийдор қиёматга қолади...



«Мен сизга айтсам»

Суратда: Ўзбекистон халқ ёзувчилари Саид Аҳмад, Одиля Ёқубов.

ЙИЛБОШИ ХОСИЯТЛАРИ

(Боши 1-бетда)

Эрон олимларининг баъзилари: «У кунин Навруз деб аташнинг сабаби шунки, собийлар Тахмурас даврида юзга чикканлар. Жамшид полшоқ бўлган, (маъжусийлар) динини янгилади ва бу иш қилинган кун, (яъни «Навруз») «Янги кун», деб аталди. Бу кун, гарчи у (Жамшиддан) олдин ҳам ёзозланган бўлсада, хайитга айлантирилди.

Наврузни хайит қилиш турғисида бундай ҳам дейилган: «Жамшид (узига) арава ясаб олган, уша кунни аравага чиқди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кутариб, бир кунда Дунбаванддан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу аjoyиб воқеани кўргач, уша кунни хайит қилишлар ва Жамшиднинг (аравада учинишга) тақдир қилиб аргимчоқларда учдилар.

Баъзиларнинг гумонича, Жамшид шаҳарларни айланиб юришини яхши кўрар эди. У Озарбойжонда бўлишни истаб, тизилган ясаган тахтга

утирди ва одамлар тахтни елкаларига кутардилар. Жамшидга Куеш нури тушди. Одамлар уни кургач, улугладилар ва полданиб уша кунни хайитга айлантирдилар.

Шу кун, яъни Навруз уз вақтинда (шунчалик) жилиб кетдики; ҳатто бизнинг замонида Куешнинг Жамал буржига кирган вақтига, яъни баҳор бошига турти келадиган бўлди. Кейин Наврузда отлик аскарларга баҳор ва ёз кийимларини кийишиш Хуросон поллоқларига расм бўлиб қолди.

Жамшид замонида халқ купайди, ҳатто уларга ер торик қилди. Шунда Худо ерни турган (миқдорига) нисбатан уч баробар кенгайтирди, одамларни гуноҳларидан пок бўлишлари учун сувда чумиштира буюрди. Улар Худо йил давомидаги офатларни узларидан даф этиши учун ҳар йили шундай қиладилар.

Баъзи кишиларнинг гумонича, Жамшид анҳорлар қазишни буюрган ва шу (фарвардин моҳининг олтинчи) ку-

ни бу анҳорларга сув қуйилган. Одамлар бундай серобгарчилик баъзоратидан қувноиб, шу (анҳорлардаги) сувга чумилганлар. Кейинги аялдан ҳам табаррук этиб, олдин утганларнинг (бу) ишини давом эттирган.

Шу кунни одамлар бир-бирига сув сепишди, бунинг сабаби чумилиш сабабининг узилди.

Жамшид (ҳамма) нарсалар миқдорини шу кунни аниқлади ва ундан кейинги полшоқлар бу ишни яхши билиб, керакли қозғач ва атрофдаги мактублар битиланган териларни (шу кунни) тайёрлайдиган бўлишлар. Охирига муҳр босиш лозим бўлган нарсаларга (шу кунни) муҳр босилди.

Эронликлар эътиқолича, Жамшид гилдиракка миниб, шайтонлар билан жанг қилиш учун жануб томонга борган; улар шайтонлар деб суданликлар ва ҳабашистонликларни кузда тутсалар керак. Уларнинг айтишларича, Жам

ҲАММА ГАП ЯХШИ ИШЛАШДА

Яқинда тобим қочиб 2-Тошкент Тиббиёт институтига қараши клиника бордим. Касалимни текшириб курган врачлар ут пуфагимда тош борлигини, уни олиб ташлаш лозимлигини айтишди. Ешим 67 да. Шунинг учун аввалига бироз чучидим.

Клиника энг замонавий тиббиёт техникаси билан қуролланган, врачлар операция пайтида танани аввалгидай 15—20 сантиметр кесинмас экан. Менинг турт жойимдан ярим сантиметрдан кесилиб, лапараскопия аппарати ердамида ут пуфагимни олиб ташлашди. Турт кундан сунг уйимга қайтдим. Ҳозир жуда яхшиман.

Тиббиёт фанлари доктори, профессор Асқар Асоровнинг гапига қараганда, бундай усулда операция қилиш олдий операцияларга қараганда ун баравар кам асорат қолдирар экан. Ҳозир клиниканинг меъда

ва ичик жарроҳлиги бўлимида учта шундай аппарат бўлиб, кунига 30 та операция қилиш имкони бор. Ҳатто ут пуфакни поликлиника шарафотида ҳам олиб ташласа булар экан.

Сунгги йилларда касалхоналарда дори-дармонларнинг етишмаслиги, врачларнинг таъмагирлиги ҳақда куп гаплар эшитардим. Клиникада мулақо бунинг аксини кўрдим. 15 кун даволанган бўлсам биронта ҳам дори олиб келганим йўқ, ҳаммаси шу ернинг узиде бор экан. Бундан ташқари, Хотам Нишонов, Шерзод Ганиев, Незмат Абдуллаев, Виктор Ким каби тажрибали врачларнинг, Холида Иўлопова, Лим Рита, Дилдора Нурисова, Дилбар Исмоилова каби ҳамшираларнинг ширин сузлари, меҳрибонликлари туфайли тезда тузалиб кетдим.

М. УММАТОВА
Меҳнатобод тумани,
Янгиер жамоа ҳўжалиги

«Оила шаҳараси» танловига

АВЛОДИМИЗДАН ФАХРЛАНАМАН

Мен ҳам бобомдан сураб-суриштириб етти ғуштимизни билишга ҳаракат қилдим. Улар қуйидагилар:


1. Дадам — Баҳодиржон.
2. Бобом — Эркинбой.
3. Унинг отаси — Эргашбой.

4. Унинг отаси — Акбарбой.
5. Унинг отаси — Гойиббой.
6. Унинг отаси — Низмат кўрчи.
7. Унинг отаси — Ботирбой.

Лазизбек АҚБАРОВ,
Ёзёвон тумани, Хонобод қишлоғи,
12-ўрта мактаб ўқувчиси

зафар топиб Катта Наврузда қайтган. Шунда тахтга Куеш нури тушиб, у кун олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилганлигини, қарақлаб кетган. Шундан бошлаб у «Шид» - Нур, деб қадаб олган. Шу кунни бир-бирига сув сепиш расм бўлган, чунки бу куннинг исми «Хурдо» — сув мутақаддийси бўлган фаришанинг исмидир. Шу кунни Жам нарсаларнинг миқдорини аниқлаб берган, бундан олдин аниқланмаган экан.

Темур САЎДИНОВ
тайёрлади



Америка ҳар жиҳатдан қишлар эътиборини узига жалб этади ва бунга дуненинг бошқа минтақаларидаги халқлар қуниқиб ҳам кетишган. Мухими шундаки, Америкада статистика ҳар бир воқеа ва ҳолисавари ниҳоятда тез йиғиб, умумлаштириб, зудлик билан тарқатади, статистика қирол-майдонда бирор-бир илорақчи ишхона йўқ. Мана, мисол учун, энг янги маълумотлар: Америка компаниялари ҳоли-ҳаётларнинг компанияни ҳужайинлари устидан қилаётган арзлари кейинги пайтда жула купайиб бораётир. Бундай арзларнинг аксариятида компанияларнинг ҳужайинлари уз ҳолиларининг ҳар хил йўллар билан «қуниқилушчиқа» мажбур этаётгани айтилади. 1991 йил бундай аризалар сони 6.883 та бўлган бўлса, 1997 йилга келиб 15.889 тага етган. Аризалар билан боғлиқ бундай мождароларни бартараф этиш учун туланган жарима ва бошқа харажатлар олти йил ичида 7,1 миллион доллардан 49,4 миллион долларга ортган. Узининг кул остидаги ҳолиларини «норасмий» алоқага торгмоқчи бўлган америкалик раҳбарларнинг сарфу харажатлари ошгандан-ошиб бораётир.

Утган йилининг охирида Бразилида сайловчиларни руйхатга олиш тадбири ўтказилган экан. Ана шу тадбир нотида 287,7 минг киши... узини қайси жинсга мансублигини айтишга қийналган. Албатта, бунинг узига хос сабаблари бўлган бўлиши мумкин... Ҳар қалай, савоиларга муво-

фиқ жавобини ёзишлари лозим бўлган масъул кишилар ҳам вазиятдан чиқибнинг йўлини топишди. Улар «жинси» деган уринга «номаълум», деган жавобни ёзиб қуйиб билан чекла-нишибди.

Литва республикасининг Европа ишлари бўйича вазيري Лайма Андрикисени Каунас шаҳрида сайловчилар яхши кутиб олишмади. Лайма хоним бу шаҳарга сайловчилари билан учрашгани келган эди. Вазирнинг аселигини ҳам эътиборга олманган оломон унинг машинасини ачитган туҳумлар ва қор билан уриб, уз норозиликларини билдиришди. Вазирга курсатилган бундай «илтифот»га маҳаллий телефон сузашувлари учун фуқароларга пул тулаш тартиби жорий этилгани сабаб бўлган. Лайма хоним ана шу тадбирнинг ташаббусқори экан.

Телевидение ва мағбуротда муттаасси қайтарилиб берилган-ган рекламалар кишининг меъдасига тегиб кетиши сир эмас. Базан: «Китга кераги бор экан, бу дариларс рекламанинг», деб жаҳлимиз чиқали. Керак бўлганда қандок! Бир йилда реклама учун жаҳонда 250 миллиард доллар сарфланаркан. Энг тараққий этган илгор давлатлар реклама уришда ҳам олдинда. Жаҳонда реклама учун сарф этиладиган маблағнинг 80 фоизи унга мамлакат ҳисобиландир. Бу борада биринчи уринда АҚШ туради. Бир йилда АҚШ рекламатга 88,92 миллиард доллар сарф этади. Ундан кейин Япония — 39,12 миллиард дол-

лар. Германия — 21,99, Буюк Британия — 12,80, Франция — 10,14 миллиард долларини реклама учун ишлатади. Жанубий Корея, Италия, Бразилия, Испания ва Австралия давлатлари 4,5 дан 6 миллиард долларгача маблағни рекламага сарфлайди. Уз-узилан аенки, бу харажатлар неча минг ва миллионлаб марта ортик фойда билан қайтади.

1882 йил 24 март кунни доктор Кох сил касалиги — туберкулез баъилласини қашф этганини эълон қилиб, оламзоднинг бу огир хасталикдан халос бў-

Жаҳон айвонида

лишига умид уйғотган эди. Шу боис ҳар йил 24 март кунни Халқаро сил касалигига қарши кураш кунни сифатида нишонланади. Доктор Кохнинг қашфие-тидан бери бир асрдан ортик-роқ вақт ўтган бўлсада бу касаллик ҳануз Ер юзида миллионлаб одамларнинг ҳастига хавф солмоқда. Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қараганда, агар қатъий чора-тадбирлар қурил-маса, 2020 йилгача жаҳонда 200 миллион киши сил касалигига чалинши, 70 миллион киши ана шу дард оқибатидея вафот этиши эҳтимоли бор.

Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди, деганларидил, ҳам эр, ҳам хотин сие-сатчи бўлиб кетса, қийин экан. Панаманинг собиқ президенти Гилермо Эндро билан хотини Ано Диас «принципиал масала-да»: номзодлардан қайси бирини янги президент сайловлари-да қўллаб-қувватлаш керак, деган муаммо устиде кескин бах-лашиб, охирида ёқалашиб кетишди. Собиқ президент хоти-нидан калтак еб, тан жароҳати олган, пойтахт марказидаги ҳа-шаматли қароргоҳини тарк этиб, биринчи хотинидан ту-гилган қизиникига қучиб кетди. Умр йўлдошидан қаттиқ ҳафа бўлган Г. Эндро журналист-ларга берган интервьюсида: «Қулга калтак олиб, калтакла-ганидан сунг кетасан-да», деди. Начора, сие-сат билан уйнашиб бўлмайди, гарчи хотининг қо-нуний бўлсада.

Россияда напавандлик, айниқса, болалар орасида кенг тарқалётгани жиддий ташвиш туғилмоқда. Яқинда наркотик моддалар билан қонунга хилоф равишда савдо-сотиқ қилишга қарши кураш бош бошқармаси Хабаровск улқасида даҳшатли бир фактни қайд этишди. Улар бошқа напавандлар қатори ол-ти ешли наркоманини ҳам руйхатга олишди. Маълум бўлишча, гулакка бу бетмани олатини унинг ота-онаси ур-ғатилган экан.

Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги Наркология давлат маркази маълумотларига қура, напаван-длик бу мамлакат ақсарият ешларининг доимий машғуло-

тига айланиб бормоқда. Расман руйхатга олинган наркоманларнинг 20 фоизини 15—16 ешдаги есимлар ташкил эт-са, 15 фоизини 17—18 ешли ва 20 фоизини 19—20 ешли йигит қизлар ташкил этади.

АҚШда фоҳишаларнинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қиладиган, уларга психологик, тиб-бий ва ҳатто моддий ердам қурсатадиган бир неча таш-килотлар бор. Невадалан бош-қа барча штатларда бу «иш»норасмий, яширин йўл билан амалга оширилади. Фо-ҳишабозлиқнинг барча тур-лари, уларда иштирок этади-ган аёл ва эркеклар бирлай қонун олдида жавобгардир-лар. Голландияда эса 1988 йил-дан бери унбў «қасб»га рух-сат этилган, «қасбдошлар» бири-бири уюпмасини ҳам ту-зиб олишган. Париж шаҳрида танини сотиб, кун кечиради-ганлар сони, расмий маълум-отларга қура, 50.000 дан ор-тик. Туркияда ҳам фоҳиша-бозлик қонун йўли билан таъқиқланмаган. Тайванда эса бу «соҳа»га тулатуқис эркин-лик берилган. Исловоатхона-лар узининг лицензиясига эга, «Жонон»ларни хошлаган жо-ғда буюртма бериб, қақирлиш мумкин. Россияда бундай қу-ниг очар ишларда эҳтиёт бу-лиш керак экан. Газеталарини-нг хабаридан маълум бўли-шча, Россияда фоҳишалар жазмани тунаб кетган, қал-такланган, ҳатто улдириб юборган ҳошлар ҳам содир бу-либ тураркан.

«Оила» кедекси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида

ҲАММАГА БИРДЕК ДАХЛДОР

Янги Қонун лойиҳаси вилоятимиздаги бир қатор ўқув даргоҳлари, никоҳ уйлари, маҳалла кумиталари, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа қўллаб-қўллаш ва ташкилотларда бевосита муваххасислар ва жамоатчилик иштирокида кенг муҳокама қилинмоқда. Бу масала ҳаммага бирдек дахлдор. Шунинг учун ҳар бир фуқаро жиддий муносабатини билдириши керак. Биз ҳам қонун лойиҳаси-ни ургандик. Таклиф ва мулоҳазалари-мизни умумлаштирган ҳолда айрим-айрим айтиб ўтмоқчимиз.

Лойиҳанинг 15-модда, П-бандида «Узрли сабабларга қура фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органининг муdiri бир ойлик муддат ўтунга қалар никоҳ тузишга рухсат бериши... мумкин», — деб ўзгартириш керак. Чунки иккала томон ўзаро келишиб, оила қуришга қарор қилгач, ФХД бўлимининг муdiri уларга оила қуришга рухсат бериш ёки бермаслик масаласини эмас, балки бир ой муддат ўтмасдан никоҳни қайд қилиш ёки қилмаслик масаласини куриб чиқати.

77-модданинг 8-бандини ойдинлаштириш, яъни «Бунда 10 ёшга тулган боланинг розилиги албатта олиниши керак», — деб қўрсатилиши лозим. Сабаби, бола бу ёшда биров бўлса-да мустақил фикрга эга бўлади.

54-моддани мутлақо чиқариш керак, чунки никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳ расмийлаштирилмайди. Демак, тузилмаган никоҳ ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

17-моддадаги «туман» сузи-дан кейин «шаҳар» сузини қўйиш керак. Сабаби, шаҳар ҳоқими ҳам никоҳ ёшини қис-қартириш ҳақида қарор қа-бул қилиши мумкин.

Таълим тўғрисидаги Қонун-нинг 30-моддасида қўрсатил-ган «Ота-оналар ёки қонуний вакилларнинг вазифалари» жумласи ушбу қонунга кири-тилса, мақсадга мувофиқ бў-лар эди. Бундан ташқари, ёш оилаларнинг бўзилмаслиги учун ҳар икки томоннинг, яъни ота-оналарнинг жавоб-гарлиги оширилса яхши бўла-ди, деб ўйлайман.

З. АБДУЛЛАЕВА,
Бўхоро вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси

Буюк садақатнинг энг улут тимсоли — Манзура аяга қараб уйга толаман: «Шундай аёллар бор эканки, дунё бор, ҳаёт бор. Шунинг учун ҳам аёл зоти ҳамиша эъзозу ҳур-матда», — дей-ман ичимда.

Манзура ая эри урушга кетганида юкли эди. Қўп ўтмай қузи ёриди, қизлик бўлди. Ушанда у яхши-дан ёлдорлик бўлиб биргина шу қизи қолишини ҳаёлига келтирмаганди. Ёридан «қора хат» келганда қўшлар қатори бунга ишонмади, қизимнинг отаси тирик, у бир кун кири-

келди, деб умид қиларди. У қизчаси Маҳбубанинг бешиги-ни тебратиб алла айтганда ҳам, қули уй-руғор юмушлари би-лан банд бўлганида ҳам, елгиз-

онасидек қуради, ҳурмат-иззат қилади.

М. Пулатхожиева пойтахти-мизнинг Себзор мавзасида яшайди. 77 баҳорни қарши ол-ган Манзура ая елгизликини ҳис этмайди. Бир этак невараче-варалари ардо-ғида пиру-бадавлат бўлиб, кек-салик тапшини сурмоқда.

Ҳа, Манзура ая каби аёллар садақат, вафо тимсоли. — Улар ҳар қанча эъзоз-эҳтиромга лойиқдир.

Гулабхор ХУСАИНОВА

САДОҚАТ ТИМСОЛИ

лик азоби қалбини тирнаган уйқусиз тунларда ҳам Миролим ақанинг «мени куттин», деган сунгити сузларини қузда ёш билан эсларди. Манзура ая бутун умрини елгиз қизига бахшида қилди, уни ўқитди, турмушга берди. Қуёвдан пешонаси ярақ-лади. Хуснидин ака аяни уз

ҚУЁШ ҚУЧАР ОНА ЗАМИННИ

Қуёш қучар она заминни,
Севинчидан тошар булоқлар.
Гулларини кўтарар баланд,
Тилла баргак тақиб япроқлар.

Дугонажон, хайрон бўлма сен,
Яшил ранглар қуриб қўзимда.
Баҳор, дегам сўз эмас, ишон,
Гул отилиб чиқса бўзимдан.

Ишон, яна дийдам тўлдириб,
Тиркираса висол ёшлари.
Ахир, она Ўзбекистонда
Баҳор гуллаш даврини бошлади.

Шўх кўшиқ сузмокда чаманда,
Зангори тўлқинлар ичида.
Оқ, оппоқ номалар битилар
Баҳорда, дараклар учиди.

Арғимчак учади шамоллар
Махжунтол шохига осилиб.
Қуёш — қиз кечад фалакда
Киприги ҳар ёнга отилиб.

Қўзимни тикканча шохларга
Севиниб ўқийман газални.
Баҳорим, хайрият ўратдим
Сен каби бир дилкаш гузални.

Дилором ИСМОИЛОВА

Урғут

Буюклар ҳаётидан

кинчиси эса: мустақил фикрли бул-мок.

Эйнштейн олдий яшарди. Эски ва гижим кийим-кечак кияр, кам-дан-кам ҳолларда шляпа кияр, ван-нахонада ичиб, хуштак чапиб юрар эди. У шу ерда соч-соқол қиртиш-лар, бироқ махсус крем урнига олатдаги совундан фойдаланиб қўя қоларди.

— «Ҳеч кимдан ҳеч нарса иста-маслигим, таъна қилмаслигим боис бахтлиман», деган эди у. Уз иши, скрипка чалиш ва парус остида сузиш каби олдий машғуллар билан шугулланиб, у узини бах-тиёр ҳис этган.

Эйнштейнга ҳаётида бошқа нар-саларидан қура скрипка кўпроқ қу-вонч бахш этган. «Қўпинча муси-қа тинглаб уйлардим ва ўз фикрла-римни амалга оширганман», деб ҳикоя қилади профессор.

Бир сафар у Берлин бўйлаб трам-вайда кетаётди, кондукторнинг қайтишни нотўғри қайтарганини сезиб қолади. Кондуктор қайтишни яна қайта ҳисоблаб қу-риб, узининг ҳақ эканлигига ишонгач, қолган пулни Эйнштейн-га узата туриб шундай дейди:

«Бир умр яшаб ҳам ҳисоб-ки-тобин яхши ўрганмаганингиз Си-зининг энг катта фожиангиздир».

Раҳмон ҚОДИР
тайёрлади

БАҲОР

Болалик суварти сенда бор,

Сенинг-ла уйғонар гулчечак.

Пойқадам муборак, навабхор, —

Остона ҳатлаган келинчак.

Сенмасми, офтобдай

юзларнинг,

Нур бўлиб ёғган ибоси?

Оқ рўмол ўраган ўриқлар,

Мозийни хўрсиниб эслар чоғ.

Қояга бергандай сайқал — зар,

Қулиб бош кўтарган қизгалдоқ.

Сен борсан умидга мададкор,

Ишониб яшармиз тилакка.

Тилак бўл, ҳамроҳ бўл, эй,

баҳор,

Ишқ дебон яшаган Юракка!

Сенмасми, жамалак қизларнинг,

Коклада сочполук жилоси?

Жаҳонгир ФОЗИЛОВ,

Бағдод тумани

Фикр

WOWGAN KIZ...

Вилоят туғруқхонасида 16 ёшли келинчакнинг қузи ёриди. Боласи яхши ривожланмаганлиги учун нобуд бўлди. Энг ачи-нарлиси, қўп қон йўқотган ёш онанинг бачадони жарроҳлик йўли билан олиб ташланди ва шу тариқа унинг ҳаёти сақлаб қолинди. Энди у она бўлишдек бахтдан бир умр бенаиб экан. Илмий ва ҳаётий тажрибадан маълумки, қиз бола турмуш қуришга 20—21 ёшдагина ҳар томонлама етилади. Шунинг учун қизларни эрта узатишга шоиимаслик керак. Ҳам жисмонан, ҳам руҳан соғлом бўлиб воғта етган, касб-ҳунари бор қиз узатилмай қолмайди. «Утирган қиз ўрнини топади», деган гап бекорта айтилмаган.

Қиз бола бировнинг ҳасми. Вақти-соати кел-са учирма қилиш қочмайди. Лекин бундан ол-дин уни мустақил ҳаётга тайёрлаш керак. Сир эмас, асарият қизларимиз бу соҳада тажриба-сиз, кунимка ҳосил қилинмаган. Олдий уй-руғор юмушларини бажаришда ҳам нуноқлик-лари сезилиб туради. Хаттоки вақти-вақти би-лан тиббий қуриқдан утиб туриш ёки гинеско-лог-шифкордан маслаҳат сўрашга эринишади, ийманишади ҳам. Айниқса, қишлоқ аёллари орасида ўз соғлиғига бефарқ қарайдиганлари қўп учрайди. Оқибати эса...

Зеро, она бўлиш ҳар бир аёлнинг энг улут

орзуси — фарзандсизлик эса муҳим фожиадир.

Орифжон ШАРИПОВ

Шахрихон тумани

ЭЙНШТЕЙН
«ФОЖИАСИ»

Анча илгари мен маслакдош дустим билан Германиянинг жа-нубидаги мўжазгина бир шаҳар кўчаларида айланиб юргандим. Дустим қутулмаганда бир уй-нинг деразасини қўрсатиб деди: «Ху ана у юқоридаги кичкинага-на биринчи қўрсатинми? Ана шу уйда Эйнштейн тутилган».

Уша қуниёқ мен Эйнштейн-нинг тоғаси билан учурашдим. Таассуфки, у менда қандайдир гайритабиий иқтидорга эга ин-сон сифатида таассурот қолдир-мади. Албатта, бунинг ҳайратла-нарли жиҳати йўқ. Алберт Эйнш-тейннинг болалик давларида ҳеч ким унинг ҳаётига нимагадир эри-шишни билмаган ва ўйламаган ҳам. Гарчи уни ўз авлодининг энг юксак заковатли кишиси, за-мондошларининг пешвоси деб ҳисобласа-да, у ёшидаги на-хоҳияга довлдор бўлган. Ҳатто та-пиришни урганиш ҳам унинг учун бағоят машаққатли кечган. У шунчалки ҳам бетайин бўлган-ки, бундан ҳатто ўқитувчилари ҳам ҳайратланишган.

Унинг ота-онаси эса ўз ўгли-нинг ақлий қобилияти сустиги-дан уялиб юришган.

Ажойиб қўнларнинг бирда дунелаги энг машҳур кишилар-дан бири ўзи эканлигини англаб қолган Эйнштейн хайрон қол-ганди. Математика соҳаси про-фессорининг фаолияти халқро газеталарнинг бош мавзусига айланишини ким ҳам ҳаёлига кел-тирибди, дейсиз?

Аслида эса газеталар уни худ-ди эҳтимоллик назарияси синга-ри хайратомўз тарзда еритишган-ди.

У шон-шухратга, бойликка ва талон-тароғга нисбатан қўнчили-кни ураб олган гошларига бўлган ўз қарашларидан бошқа ҳеч нар-сани синаб қурмади. Бир гал тран-сатланттик лайнернинг капитани Эйнштейнга энг қулай, мақбул қаюотани танлаб олишни таклиф этди. У эса бундан дарҳол рад этиб, кишиларнинг қандайдир алоҳи-

да эътибор билан қарашларига ро-зи бўлгандан қура, саёхатни ум-ман рулти гишдиракда давом этти-риш афзаллигини таъкидлаганди.

Эйнштейннинг айтишича, у яратган эҳтимоллик назариясини тушуниши учун турли муаллиф-лар томонидан тўққиз юздан ор-тиқ асар ёзилган бўлса-да, бу наза-рияни факат йигирма нафар за-мондошигагина турти англаб етган, ҳоло.


Унинг ўзи эҳтимоллиқни жу-да олдий мисол билан тушунти-ради:

— Агар бир соат вақтинини гузал жонон билан марокли ўтказ-сангиз, гўе шу муддат жуда тез ўтиб кетгандек туюлади, кишига. Бироқ оний лаҳза қиздирилган печ устида ўтирсангиз, сизга бу фўрсат худди бир соатга қўзилан-дек бўлади.

Ҳа, айтгандай, аёллар ва оила ҳақида гап кетганда шунини айтиш керакки, Эйнштейн икки марта уйланган. Унинг биринчи никоҳи-дан икки нафар ўгли бор, ҳар икко-ви ҳам жуда ажойиб, уларда озроқ бўлса-да, даҳолик белгилари мав-жуд.

Фрау Эйнштейн хоним эҳти-моллиқ назариясини мутлақо ту-шунимаслигини тан олганди. Би-роқ ҳар бир аёл учун бундан ҳам муҳимроқ нарса-ни, яъни ўз эрини яхши тушунар эди.

Фрау хоним эрининг илтижом ва фикрлашни ях-ши қуришини, бироқ ўзи уни се-вмаслигини доимо гапириб юрарди. Эйнштейн қачон нимани хоҳласа, шунини бажарар ва ҳамина икки қои-дага амал қиларди. Улардан бири: ҳеч қандай имтиёзга эга бўлмаслик. Ик-



СЎҚМОҚЛАР ЙЎЛЛАРГА ТУТАШАДИ

Янгича яшаш, ишлаш, фикрлашга қай йўсинда эришяпмиз? Бу жараён осон кечадими ё қийинми? Андижон вилояти Балиқчи тумани Хотин-қизлар кўмитаси фаоллари ва улар атрофида жисмоний кучлилар билан журналист Қутдибека Раҳимбоева шунда давра суҳбати ўтказди.

Мухбир: — Баъзан давраларда: «Шунча куп жамоат ташкилотларига зарурат бормикан?» — деган савол айланади. Менимча, жамоат ташкилотларини купайтириш шунчаки санокни ортириш учун эмас, балки, жамиятнинг барча қатламларини ҳаракатга келтириш учун купайтирилмоқда. Бу ҳам аслида янгича яшашнинг бир шакли, шундай эмасми?



Замирахон Зухриддинова: (Ҳоким ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси). — Туманимизда 70 мингта яқин опа-сингилларимиз истиқомат қилишадди. Ҳар бир рақам ортида узига яраша муаммо бор. Ҳар бир рақам — тирик жон, тақдир. Унинг жавобгарлиги бор. Шундай экан, жамоат ва давлат ташкилотлари бир-бирини қўллаб, бир-бирини тушунса, қўзланган манзил яқинроқ келаверади.

Бизнинг асосий фаолиятимиз инсоннинг ички имкониятларини юзага чиқаришга қаратилган. Биргина мисол айтмай. Бизда 40 нафарга яқин аёллар турли ташкилот, жамоаларга етакчилик қилади. Бугун раҳбар бўлиш осон эмас, масъулиятни зиммасига тула олиб, астойдил ҳалққа хизмат қилишга бел боғлаганларнигина етак-

чи қилиб кутардик. Аёлларнинг тақлиф-мулоҳазалари асосида «Оналар» жамғармаси туздик. Туман халқ банки маъмурияти дастлаб бу жамғармага 10 минг сум пул утказиб берди, сўнг 200 минг тушум бўлди. Бу маблағларни аёлларимизнинг ўзи, фарзандлари эҳтиёжи учун сарфляпмиз.

Мухбир: Изимизда қолиб кетган тузум ҳам сўзда Аёл тарафида турган, аммо ҳимояга келганда Аёл-да деб бепишанд қараган. Назаримда, бугун Аёлга — Онага янгича муносабат шакллана бошлангандай.

Дилором Асқарова: (Республика «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси туман бўлими бошлиғи). — Аёл — саломат яшаш керак. Шунинг учун биз бутун сабб-ҳаракатларимизни опасингилларимизнинг бирор даража чалинмаслиги, чалинса ундан фориғ бўлишига йўналтирганмиз. Жамғармамизнинг 2 та дорихонаси бор. Уларда инсонпарварлик ёрдамлари, бундан ташқари имтиёзли нархда сотиладиган дориларимиз бор, биз буларни муҳтож кишиларга ажратамиз. Утган йили «Шералибек» жамоа хужалигидан Қорияхон Қодирова деган аелимизга фарзандини операция қилиш учун ёрдам қилдик. Бахтиёр Мадғозиев, Иброҳим Турақулов, Комилжон Қурбонов оилаларига — дори-дармон, пул ёрдами бердик.



Шоирахон Сайдахмедова: (Туман-хотин қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси). Бизнинг халқимизда ҳамма даврларда замо-

навий булаверадиган фазилатлар куп. Болажонлик, меҳмондустлик, жигаржонлик... Аммо, йиллар давомида тупланган иллатларимиз ҳам талайгина. Урф-одатларимизни узимизга ярашимли қилиш учун биз туймаъракаларни утказишни қатъий тартибга солдик. Икки қуда келишиб биттагина чиройли туй қили-

Хотин-қизлар кўмиталари ҳаётидан

шади. Сарпо-суруқлар ҳам расамади билан. Туй-маросим комиссиялари барча туй, маъракаларнинг бошида туришади. Туй маданияти йўқолиб бораёзган эди бизда. Энди биз туйда яхлитлик бўлишига уринашмиз. Эсда қоладиган бўлсин, умрда бир буладиган тангана, деяпмиз.

Мухбир: Жамиятимизда куплаб кенгашлар, жамғарма, ҳаракат, партиялар мавжуд. Аммо, «Эркаклар кенгаши» деган бир атамани сизларга келиб эшитдим...



Неъматилло Назаров: (биолог, туман эркаклар кенгаши раиси).

— Бир тузумда, бир осмон ости, бир ер устида яшасак ҳам аёлнинг ўз руҳияти, эркакнинг ўз руҳияти бор. Бири бирига суянчиқ бўлса, яхши, лекин зинҳор-базинҳор бири иккинчисининг вазифасини олмаслиги керак. Ҳар қайсиси ўз урнида эъзозли, табиат қонуни бузилган жойда жамият қонуни шикаст ейти.

Биз туманимиздаги куп жамоаларда ўз кенгашимиз бўлимларини туздик. Асосий мақсадимиз оила-

да эркакнинг азалий вазифаси, ўрнини тиклаш. Уларга чинакам оталик, оға-инилик қандай бўлишини тарихий асарлар, аъёналарни ўргатиш баробарида курсатиш. Биз мактабларда уемир угил болалар билан, ташкилотларда буйдоқ йигитлар билан мулоқотда бўламиз. Ёмон ҳулқ, оқибатлар ҳақида тушунтиришлар қиламиз. Низоли оилаларга кириб бора-

миз. Ўз фарзандига сажирликни раво кўрмоқчи бўлган оталар билан эркакчасига гапиришамиз. Биз бу суҳбатларнинг ижобий таъсирини аниқ сезяпмиз.



Манзураҳон Султонова: (Маърифат ва маданият жамоатчилиқ марказининг туман бўлими мудири). — Биз қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қилаяпмиз. Иложи борица, ундай қилинлар, бундай қилинлар деган куруқ панд-насихатдан қочаяпмиз. «Рисоладаги қиз», «Мен эпчил, зукко келин бўлишни хоҳлайман» деган мавзуларда мактабларда курик-танловлар утказаяпмиз. Қизлар меҳмон кутиш, ҳушмуомалалик, пазандалик каби фазилатларни урганадилар. Қизлар тарбияси борасида 5-гимназия мактаби, 20, 47, 1-урта мактабларимизнинг ишлари мақтовга лойиқ.

Мухбир: Маънавият, албатта, бирламчи ҳодиса. Биз узгарсак, дунё узгаради. Бу бор гап. Аммо бу ҳақиқат иқтисодни ҳам рад этмайди. Иқтисод — ҳаётнинг узаги, суяги.



Рисолат Ҳусайнова: (Тадбиркор). — Албатта, қопингда дон-дун, хумчангда ёғ, чунтагинда беш-олти танга пулинг бўлса, кунглинга бир нарса сиғади. Туманимизда тадбиркорлик, фермерлик фаолиятига кенг эътибор берилаяпти. Мен ўн олти йилдан буён чеварлик қиламан. Аввалига ўз оилам, ўз эҳтиёжимга ишлардим, холос. Бугун менга куп қизларни шоғирдликка беришди. Уларга мен ҳунар ургатаман. Улар менга буюртмаларни битказишда ёрдам беришади. «Ҳамма тикишни урганиб, узига ўзи кийим тикадиган бўлса, Сизга иш қолади-ми?» деб ҳазиллашади. Майли, ҳар ким узига тиксаям, тирикчиликнинг бир четига нур тушади, ҳунар одамни ҳеч хор қилмайди.

З. Зухриддинова: — Бизга ҳар кун, ҳар соат имкон — Вақтнинг жилловини қўлга олиб, уни фойдала бир нарсасига айлантирмасак — зувиллаб утиб кетаверади. Бугун: «Ҳа, бир гап булар», деб ҳеч нарсани ўз ҳолига ташлаб қўйиб бўлмайди. Ташлаб қўйилган нарса барбод бўлади. Вақтнинг устидан ҳукмронлик қилиш, тақдирга, қисматга аралашиб — янгича яшаш дегани шу, бизнингча.

СУҲБАТДАН СЎНГГИ ФИКР

Мен ишончлари бутун Балиқчи тумани бекчалари, уларга мададкор бўлаётган бош эгалари, оға-инилари юриб бораётган сўқмоқни ўзимча тасаввур қилдим. Ингичка, паст-баланд, юриш қийин. Аммо сўқмоқ бор, муҳими — шу. Сўқмоқ эса бир кун, албатта, йўлларга туташади.

Бир ёшда икки ойлик қизалоқ Ансархон Мақсудовани оғир аҳволда касалхонага келтирилди. Ҳали эндигина атакчечак қила бошлаган оёқчалар титтар, ёш миллилаб турган кузлар илтижолу боқарди. Жажжигина вужуд улим шарпаси олдида жула ҳам ожиз қурнаётганди.

Беморга сийдик қопи «экстротфияси», дея ташхис қўйилди. Яъни сийдик қопи ва қорин бушлигининг олд девори йўқ. Зудликда жарроҳлик хонасига олиб кирилди. Узоқ олишувдан сунг улим сояси чекиниб, қизчанинг юзларига ҳаётбахш бир қизилик югурди. Операция муваффақиятли тугалланди.

— Бўлимимизга келтирилган бемор болалар ичида сийдик-тош касаллиги, сурункали бўйрак яллиғланиши, сийдик йўли тўгма нуқсонлари: гипоспадия, гидронефроз, бўйрак иккиланиши, сийдик қопи экстротфияси, эписпадия хасталиклари кўп учрайди. Шунингдек, жигар, упка эхи-накокки, гишпунг, йўтон-ичак тўгма хасталиклари билан ҳам мурожаат қилишди, — дейди Тошкент шаҳар клиник шифохонасининг жарроҳлик ва урология бўлими бош-лиги Алиёр Холиқов.

Аввало хасталикларнинг келиб чиқишига узимиз сабабчимиз. Умумжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига қура, айни пайтда икки ярим миллиард одам, яъни дунё аҳолисининг 66 фоизи санитария-гигиена меъерларига жавоб бермайдиган шароитда яшайди. Бизда ҳам бу мезонларнинг бузилиши турли хил хаста-

ликларни келтириб чиқаради.

Мазкур бўлимда тўгма нуқсонлар билан келтирилган болалар ҳам даволанади. Амалий тажрибадан маълум бўлишича, сийдик йўли тўгма нуқсонлари асосан ҳомиладорликнинг ҳар

Табобат

тириб чиқариши мумкин. Изланишлар натижасида режали жарроҳлик ва урология бўлимида гипоспадияни бир босқичли операция қилиш усули жорий этилиб, бу узининг самарасини берди. Бошқа клиникаларда бир босқичда амалга оширилди. Аниқроқ қилиб айтганда, 1994 йилдан бошлаб Жуманазар

Бекназаров тadbик этган бу усул ердамила профессор Насриддин Эргашев болаларни муваффақиятли операция қилиб келмоқда.

Ҳаётга талпинаётган мурнак қалбларни дардида холос этаётган шифокорларга мустаҳкам ирода тилаймиз.

Алижон САФАРОВ



БОЛАЛАР ҲУҚУҚИГА БАҒИШЛАНДИ

Тошкент тумани ҳокимлигида Ўзбекистон Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни вилоят ҳокими Э. Рузиев очди. Йиғилишда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Г. Иудилова сузга чиқдилар.

Бу анжуманда Тошкент вилоятида БМТнинг Болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенцияси талабларининг қандай бажарилаётгани, аҳоли меҳнат шароитини яхшилаш ва бундан кейин ҳам уни ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш масалалари муҳокама этилди.

Сузга чиққанлар Оила йилида оналик ва болаликни муҳофаза этиш борасида кўп эзгу ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтидилар.

ЎЗ МУҲБИРИМИЗ



Мутолаа

Отam яқинда 70 ёшга туладилар. Ҳамон тиниб-тинчимайди. Ҳали боғда, ҳали экинзорда меҳнат қилади. Буш вақтларида эса кундалик газета-журналларни кўздан кечиради, кўпроқ китоб ўқийди... «Рўҳан топиққан киши китоб ўқиганда чарчоғи езилади. Китоб — ақлни чархлаб, кишининг йўлини ёритади», — дейди отам. Биз фарзандлар ҳам отам — Ҳусан Нодирхўжаевнинг насиҳатларига амал қилиб келаёмиз. Зеро, китобни севиш — ҳалолликка, меҳнатга, ростгўйликка ўргатади.

Муҳаббат МИРТУРСУНОВА, Янгйўл

КИТОБДАН ЯХШИ ДЎСТ БЎЛМАС



Барно РАХМАТУЛЛАЕВ, Яккасарой тумани:

— Эраклар алласини эшитмаганман. Алла айтиш аёлларга хос хислат-ку!

Дилшод ИСРОИЛОВ, Юнусобод тумани:

— Аёлни аллага, аллани аёлга яратган. Алла она учун ато этилган буюк неъматдир.

...ЭРАКЛАР
АЛЛА
АЙТАДИЛАРМИ?

Шарифахон ЖўРАЕВА, Фарғона вилояти, Учкўприк тумани:

— Албатта, алла айтиш аёлнинг вазифаси. Лекин қонунларга киритилмаган ҳаётнинг уз қонуни борки, эр гоҳида албатта, аёл вазифасини бажаришга мажбур бўлади. Туғри аёл кишининг ишини қилиш қимлагир ордир. Лекин «Қулоққа айтиладиган гаплар»ни номаҳрамларга айтмайсиз-ку!

Она алласи... Дунёда бундан-да, ёқимлироқ, бундан-да мулозимроқ оҳанг бормикан? Она алласи билан камолга етган болалар бошқача бўладилар. Лекин оталар уз гудакларига алла айтишса-чи? Унда қандай бўлади?

Ҳаётда ҳар хил ҳолат, ҳодисалар бўлиши мумкин. Дейлик, оилада аёл бетоб. Бешиктаги болани овутиш учун ота «она»лик вазифасини бажариши керакми? Соғилмай қолган сигирни ким соғиши керак? Эракка бошига румол ураб, минг азобда сутни соғиб олар, лекин бешиктаги чақалоқни қандай қилиб овутади? Балки алла айтар...

Биз «Эраклар ҳам алла айтдиларми?» деган саволга турли ёш ва касбдаги одамлардан турлича жавоб олдик.

Шукур СОДИҚ, шоир, Тошкент:

— Алла айтмаганман. Бироқ жуда эркалайман. Дейлик, оппоғим, асалим, думбоғим каби сузлар билан.

Муносабат

Тамара ХУММАТАОВА, Жиззах вилояти, Зомин тумани:

Онам оғир бетоб бўлиб ётиб қолдилар. Кичкина синглим Барногул уч ойлик чақалоқ эди. Шунда отам синглимни куксига босиб алла айтиб ухлатарди. Онам соғайиб кетгунча отам кўп марта алла айтганлар. Отамнинг айтган алласи то ҳануз қулоғимда жаранглаб туради.

Моҳиғул СУВОНОВА, Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри:

— Она алласи билан усган бола, — дердилар буюм раҳматли, — жуда меҳрибон, оқибатли бўлади. Эракларнинг алла айтганини эшитмаганман, аммо, дадам мени «думбоғим» деб эркалаганлари ҳали-ҳануз ҳаёлимдан кетмайди. Дадам менинг фарзандларимни ҳам мендан-да зиёдароқ қилиб тарбиялайдилар. Шахсан мен бола овутишда отамдек меҳрибон, болапарвар инсонлар кўп бўлишини истардим.

Суҳбатдош
МУХТОР БЕК

Табрикларимиз!

Суюкли фарзандимиз **Гўзалхон ВАХОБОВА!**

Сени туғилган кунинг — 8 ёшга тулишинг муносабати билан чин юракдан қутлаймиз. Бахтимизга ҳамisha соғ-омон бул, ғамдard курмай усиб-улгай.

Ойинг Аҳмадбек ота кизи Севарахон. Сағбон кўчаси, «Мақола» проездди 47-уй.

Мухтарама рафиқам **ҲАБИ-БАХОН**, фарзандларимизнинг онажониси!

Сизни мучал йилидаги таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз!

Бизнинг бахтимизга доимо баҳордек яшнаб юраверинг!

Ойла аъзоларингиз, умр йўлдошингиз Дилмуроджон, фарзандларингиз, Гўзал, Гулноза, Дилшодбек



Азиз МАВЖУДАХОН!

Сизни 20 ёшга тулишингиз билан табриклаб, сизга узок умр, бахт-саодат, ҳамisha баҳордек очилиб юришингизни тилаб.

Акангиз Шухрат, кендийингиз Барно, жиянларингиз Шерзод, Шаҳноз, Гулноз, Бекзод.

Кимматли синглим **ЗУХРОХОН!** Сизни таваллуд топган



кунингиз билан табриклаймиз, Сизга узок умр, сихат-саломатлик, ишларингизда ютуқлар тилаб қоламиз.

Мақсуд акангиз ва Мухтабархон.

Кимматли ойижонимиз **Наргиза НУРБОЕВА**ни биринчи апрел куни таваллуд топганлигининг 40 йиллиги билан самимий қутлаймиз. Уларга соғлик, узок умр тилаймиз.

Фарзандлари: Соҳибжон, Ирода, Саодат ва Анваржонлар

Азиз ва меҳрибон отажонимиз **Балхибой АРСЛОНОВ** ва онамиз **Толлой АРСЛОНОВА!**

Сизларни муборака пайғамбар ёшингиз билан чин кўнгилдан қутлаймиз. Бахтимизга ҳамisha соғ-саломат булинглар.

Сизларга узок умр тилаб фарзандларингиз ва невараларингиз номидан **Мадина.**



Хурматли онажонимиз!

Сизни 30-март таваллуд топган кунингиз билан чин қалбимиздан табриклаймиз. Сизга узок умр, бахт, ҳамisha қуешдек порлаб туришингизни тилаб фарзандларингиз **Севара, Шухрат, Саодат**

Хурматли дўстимиз **Умар БЎРИБОЕВ!**

Сизни таваллуд кунингиз билан чин юракдан қутлаймиз. Булунгур туманида йул ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдек гоят масъулиятли ишларингизда катта муваффақиятлар ҳамда узок умр ва мустаҳкам соғлик тилаймиз



Дўстларингиз

Меҳрибонимиз **Фарида АБДУФАННОВНА!**

7 апрел — қутлуг 40 ёшингиз билан самимий табриклаймиз. Сизнинг оилага булган муҳаббатингиз, садоқатингиз, камтарлигингиз, маънавият-маърифат йулидаги фидойилигингиз биз учун доимо урнат булади, деб ишонтираимиз. Бахтимизга ҳамisha соғ-саломат булинг.



Фарзандларингиз Абдураззоқ, Озода, Абдушукур, умр йўлдошингиз Абдусаттор.

ШОХИДАдир исмингиз, Ҳаё билан юрингиз, Ибо билан кулингиз.

Ҳаёт остонасида Оллоҳ берсин бахтингизни, Навни ҳолдай тахтингизни.

Туғилган кунингиз билан табриклаймиз.

Келинайингиз Мухтарам, тоғангиз Бахтиёр, Шодиёр, Нилуфар, Сардор

Хурматли **ТОЛИПОВ Дилшод Мухаммаджонович!**

Туғилган кунингиз қутлуг булсин! Фарзандларингиз бахтуқболидан кўзингиз қувнаб юрсин. Юрагингизда армон қолмасин.

Дўстларингиз

Хурматли дўстимиз **Одилжон ОМОНОВ!**

Сизни 3 апрел — туғилган кунингиз билан самимий қутлаймиз. Умрингиз узок, бахтингиз боқий булсин.

Дўстларингиз: Шерзод, Эшпўлат, Суинат.




58 ЁШДА

Тошкент вилояти Бекобод туманида истиқомат қиламан. Деҳқончилик билан шуғулланаман. Аёлим (раҳматлик) қазо қилган. Қоронғи уйимни ёритувчи муниса бир аёл керак «Оила-506».

Ҳамза тумани, Янгиобод даҳасидаги 8 хонали, 6,5 сотих ери бор уй-ҳовли **СОТИЛАДИ**. Истаган пайтингизда қўнғироқ қилинг.

Тел: 98-44-10.



БОШҚОТИРМА

БЎЙИГА: 1. Мол-мулк ва даромаддан бериладиган хайр-эҳсон. 2. Хушбўй ҳидли усимлик. 3. Қадимги афсона. 6. Буюк француз расмони. 7. Келажак ҳодисаларини олдиндан айтиш. 8. «Грануляр» сузининг таржимаси. 9. Мамлакатимиздаги вилоят. 11. Юнонча камайип, қичрайип. 12. Энергиянинг сакланиш қонунини биринчи булиб таърифлаб берган олим. 21. Энг енгил ишқорий металл. 22. Қуват пул бирлиги. 20. Халқ миллий спорт тури.

ЭНИГА: 4. Жинсий ҳужайралар ядроларида битта ҳужайралар гуллами. 5. Ўзбекистон халқ шоирларидан бири. 10. Хинд киносининг таниқли актрисаси. 13. Буюк мутафаккир А. Навоийнинг «Ҳамса»сидаги салбий образ. 14. Осиёдаги мамлакат. 15. Кимевий элемент, инерт газ. 16. А. Қаҳҳор асарларидан биридаги персонаж. 17. Кайназой эрасида ҳайвонот оламиининг ривожланиш босқичидаги даврлардан бири. 18. П. Турсуннинг 1945 йил 10 июнда «Қизил Ўзбекистон» газетасида босилиб чиққан ҳикояси. 19. Созандаларнинг мусиқа асбиби. 23. Овруподаги мамлакат. 24. 80-йилларда Москванинг «Спартак» ҳамда собиқ иттифок терма жамоаларида тул сурган футболчи.

Баҳром БЕРДИҚУЛОВ

«Меҳробдан чаён» филми қайта суратга олинишини эшитиб, натижасини интиқлик билан кутганлар кўп бўлди. Мазкур филмнинг аввалгисида замон тақозосига кура утмишга, ижтимоий воқеаларга муносабат ута юмшатилаганди. Аммо Анвару Раънони Исмамет Эргашев ва Тамара Шокировалардек ярата оладиган актёр ҳамда актрисаларни томопабинлар ҳам узларича тахминлаб юринган бўлса ажаб эмас.

Ким бўлиши мумкин — Раъно?

Бусавол видеофилм режиссери Маҳкам Муҳамедовни кўп ўйлангирди. У ҳам неча актрисаларни самимий ва содда Раъно қиёфасига мулжаллаб кўрди. Ҳаммаси ҳам узи-ча яхши. Аммо...

Ижодий суҳбатларнинг бирида қайсибир дуст: олдидаги олтинни олти ой излаган одам, деб ҳазиллашиб қолди.

— Бизда бор-да ушанақа қиз.

— Ким экан?

— Муқийли театрида Рустам Насриддинов деган дустимиз бор. Қизини бир кўриг. Роляга тайерлаб утирмайсиз. Асл Раъно. Фақат Рустам кўнарикми?

Кўплашиб отасини рози қилишди. Ота рози — худо рози. Раъно топили-ю суратга олиш қизиб кетди... Энди Раъно кинотасмалари орқали ажбдор ҳаётидан авлодларга ҳикоясини давом эттираверсин. Бугунги суҳбатимиз ана шу рол актрисаси Дилдора Рустамова билан.

— Дилдора, Раъно кичкина рол эмас. Кинодаги илк қадамнинг муваффақиятсиз қилиниши чўчмадиганми?

— Аслида бўлгуси қаҳрамонлар кинога тушишдан олдин «проба» синовлардан ўтади. Турли қиёфаларда суратга туширилади. Негадир Маҳкам ака мени қуришлари билан «синов-пинов» қилиб утирмай-ю сценарийни бериб қўя қолдилар. Танишдим. Харкалай, Тамара опадан утказаман, демасди-ку, аммо чиқара олишимга ишондим.

— Раънодан сизга юккан хислатларни сездингизми?

— Раъно уй қизи бўлишига қарамай, илмли қиз. Илм зех-

ни утқирлайди. Қаҳрамоним билан руҳий яқинлик мени классик адабиётга янаям яқинроқ боғлади.

— Уйнаётган ролингиз ҳамроҳингизга ҳам боғлиқ-да. Тасаввурингиздаги Анвар қандай эди?..



— Ҳаёл ҳаминша ҳаётга тугри келавермайди. Тугрис, бошида Ислоҳ акани қуриб, чучидим. Барваста кишига ухшаб туюлди. Филмнинг бир жойида Раъно Анварга илқ қараш ҳаёти этаркан-да. Мени эса нуқул қайтарипади. Ҳолат чиқмайди. Охир уша эпизодни суратга олиб, узимга қўйиб беришди. Хўмрайиб тушибман. Бошқат-

дан суратга олишди. Кейинчалик билдимки, ҳамроҳим беқийс хурматга лойиқ, самимий, очиккўнгли, дилкаш йигит экан.

— Филмда сиз чиқара олмаган ҳолатлар ҳам бўлди-ми?

— Афсуски, бўлди. Масалан, Анвар ва Раъно бир-бирларига узум егизаётган пайти, яна Султонанини кутқариш учун кетаётган Анвар Раънони, яъни мени бағрига босиб, упиб кетиши керак бўлган эпизодларни олиб ташлашни илтимос қилдим. Эпизодларимдан эмас, буни феълimgа сингдира олмаганимдан.

— Шунақа ролларни ўйнашга тўғри келиб қолса-чи, унда нима қиласиз, ёки яна?..

— Йўқ, мен актриса бўлмайман. Ниятим театршунос бўлиш.

— Ҳаётингиз кино билан боғлиқ қолмапти-микин?

— Бўлиши мумкин, лекин ҳаминша ҳақиқий муслима образини яратиб интилиб яшайман. Яқинда Исмамет Эргашев узи суратга олаётган «Севи»

Ибо тунғуси

филмига таклиф этган эди. Уларга ҳам шу фикримни айтдим.

— Дилдора, йигитлардаги қайси хислатларни кўпроқ эъзозлайсиз?

— Иродаси кучли, бир сўз-ли, самимий, ҳазилни тушунадиган йигитларни хурмат қиламан.

— Бўш вақтларингизда нима билан машғул бўласиз?

— Ҳар хил тортлар, пирожнийлар пишириб, ойм билан дадамни меҳмон қилиш менга жуда-жуда ёқди... — дейди Дилдора назокат ила содда, қисқа жавоб бериб ва дарров ерга қараб олади. «Нега ерга қарайсан, Раъно?» дегим келадилар Анвар бўлиб.

Вужуд-вужудда покликка интилиб турган Дилдораларни бағринга олганинг рост бўлсин МЕҲРОБ!

Уларни чаёнлардан сақда, омон-омон МЕҲРОБ!

Суҳбатдош:

Қаноат БОЙҲОН қиз

УЗОҚҚА ҚИЗ БЕРМАНГЛАР!

1

Узоққа қиз берманглар, Олар-кетар ёр-ёр...

деган утлг чорловни ҳаммамиз такор-такор эшитганмиз. Чирманданинг гурсиллаб ураётган юрак товущидай зарбаларига ҳамоҳанг бу «ёр-ёр» ичидаги мунгли, ҳазин нолани гоҳ пайқаганмиз, гоҳ йўқ. Бугун бу ҳазинлик менинг юрагим устидан юриб кетди, йўқ, юрагим устидан узоқ туриб қолди, ҳадеганда утиб кетавермади...
...Бу аёл эри оламдан

2

утиб, уч гўдаги билан қолди. Икки қиз, бир угил. Ёлғизликда фарзанд катта қилиш осон эмас, болаларини қийналиб ўстирди, олий маълумотли қилди. Қизлари ўқиган жойларида ўзи таниган, билган йигитларга кўнгли кўйишди. Онанинг юраги увишса ҳам, «отам бўлганда кўнглимга қарарди», деб ўксимасин, деди, оқ фотиҳа берди. Совчилар келиб, рози-ризолик билан тўйлар қилишиб олиб кетишди жигарбандларини. Ёлғиз угил ҳар-

3

бийликни ихтиёр этди, бола-чақаси билан чегарамизга яқин шаҳарда яшайди — хизматчилик. Онаизор қайин укаси уйида, овсини билан. Овсини ҳам узига дилдош, келинлар қурган, неваралари бор. Улар аёлни ҳам «бувижон» дейишади. Келинлар ҳам «эна» деб эъзозлашади.
— Қизларим, куёвларим келиб туришади. Уғлим, келиним ҳам. Тез-тез кўнглироқ қилишади, совға-салом юборишади. Ҳеч камим йўқ. Катта оилада, кўп-

4

чилик орасида яшайман. Атрофимда қадрдон қўшнлар, қариндошларим...
...Лекин, барибир, унинг юрагида баҳайбат бир соғинч яшайди. Соғинч уни тегирмон тошидай эзаверади. «Болам омонмикин? Нега тушимга кирди экан? Совқотмаяптимикин? Иссиқламаптимикин, болалари қанақа экан?» Уззукун беҳисоб саволлар қўршовида яшайди. Шунча осойишталик ичида руҳиятида бир зум осойишталик йўқ.

5

«Худога шукур, болаларим соғ-омон-ку, қаерда бўлса-да тинч ўтиришса бас», дейди-ю яна юрагининг туб-тубидан «ух» келаверади...

Қизлар-чи, угил-чи? Улар ҳам бахти бекдм. Уз ҳаётларига кўниккан. Уз давралари, ташвиш, қувончлари бор. Аммо оналарининг ёши утиб, тез-тез хасталана бошлагач, телефон бевақт жирингласа, юраклари бир сапчиб тушади... Қачон онаизорининг қадрдон сасларини эшитгач, «хайрият» дейишади... Тушлари безовта бўлса, яна юракларини ўша ҳадик гижим-

6

лайди... Иссиқ жон-да, бошлари ёстиққа тегса, бурч юзасидан эмас, беминнат бир меҳрни — она меҳрини кўмсайди...

Ҳайитлар, байрамларда «онамни кўриб келдик», деган дўгоналарига мунгайиб қарашади.

«Ҳамманинг бувиси ёнида, нега бизнинг бувимиз узоқда? Нега ҳамма трамвайда боради, биз самолётда борамиз?» дея, хархаша қилгучи болаларига айбдор нигоҳ билан термулади: «Сени ҳеч қачон узоққа бермайман», дея пичирлаб бағрига босади қизалоқларини.

...Аслида «тақдир», «ма-

7

нглайингга ёзилгани бўлади» ёки «нихоҳ осмондан тушади» қаби гаплар — бор гаплар. Демак, узоққа қиз бериш-бермаслик ҳам бандадан кўра, Яратганнинг ҳукмидаги иш. Аммо банд баъзан билиб-билмай ўз хоҳишича иш тутайди. «Ҳа, болам олис кетса нима, ёнимга берсам қадрли бўлармиди, бошқа жойга узатсам, ҳар шаҳарда бир кўргоним бўлади», — дейди она.

«Ҳа, ҳозирги замонда йўл нима деган гап, бориб, келавераман, дейди қиз. Ва Яратган амри билан «жудалик ёмон, айрилиқ азоб» дея уриб турган юраклари-

8

га қарши равишда «ҳа, ҳу» деб юборадилар. Сўнг бутун умр уртасида соғинч яшайди, уртада йўл яшайди, баъзан дийдор ташналик даражасига етади, баъзан дийдор қиёматга қолади... Дунёда бир осмон остида, бир замин устида яшаётган барча инсонлар бир-бирига дўст, биродар. Аммо онанинг боладан, боланинг онадан яқини йўқ. Бу алангаси тилимни қуйдириб ёзаётган ёзмишларимдан муддао не?

Узоққа қиз берманглар, Олар-кетар ёр-ёр...

ҚУТЛИБЕКА

Кулги ва ҳазиллар куни

— Бутун хотинга: «Сен билан дунени нариги чеккасига бораман» дея алладим.

— Эй, қизик экансан-ку, хотинга ипониб бўладими? Нариги чеккасида борганиндан кейин сени ундан нарига ҳайдаб юборадим.

— Биринчи апрел-ку.

— Хотиннинг биринчи апрел билан нима иши бор?..

— Утлим, ошхонадан тўрт-бешта ликопча олиб кел!
— Нимага, ойи?
— Даланга айтдиغان гапим бор.

— Хотиним нуқул мени алдайди!
— Ростданми?
— Ҳа, йигирма йилдан буён айтди: «Ичишни ташламасам, мени ташлаб кетаркан».

АПРЕЛЬ


Эру хотин дорихона олдида

утиб кетишадиган эди, ваза ва илон тасвири туширилган суратга ку-

зи тушган эр хотинига деди:
— Хотин, ана унга қара, сенинг онанг музқаймоқ ялашпти.

Доктор беморга деди:
— Қачонки сиз ичишни ташла-сангиз, ушанда сизни даволаш мумкин.

— Эй, худо! Демак, тузалимайдиган касалга йулиқибман-да!



АЧЧИҚ-ЧУЧУК

*Бир ҳафта касал бўлиб, роса дам олдим.
*Хизмат кўрсатмасдан «халқ артисти» бўлиб кетди-я.
*Умри узок бўлгани билан таржимаи ҳоли қисқа экан.
*Пасткашликнинг ҳам юқори чўққиси бўладими?
*Астойдил қовласа, қуруқ чўнтақдан ҳам пул чиқади.
*Бекорчиликдан ишлаб юрганмиш.
*Ҳамма бир киши учун, бир киши ўзи учун.
*Бировга чуқур қазисанг, пулини оласан.
*Ёғочдан бўлса ҳам қўли очик.
*Ортиқча гапириб эшакни майиб қилиб қўйди.

*Кўпчиликдан ўзиб кетманг, кўпчиликка гап тегиши мумкин.
*Бошлиқ ҳузурда «хўп»дан бошқа ортиқча сўз ишлатманг.
*Ҳамма гапни ичингизга ютаверманг, оғирлашиб қоласиз. Бу эса кўтарилишингизга ҳалақат беради.
*Иш бор жойда хато бор. Хато қиламан деб ишдан совуманг.
*Хар нарсани сўрайверманг, саводсиз экан деб уйлашадим.
*Ўз ишингиздан кўнглингиз тўлмаса, бошқа ишлар билан шуғулланг.
*Кийинишга алоҳида эътибор беринг, кийим барча иллатларингизни ёпиб туради.
*Бошлиққа ҳаммаша ютқазинг, шунда ҳамма вақт ютасиз.
*Ҳа деб соатга қарайверманг, сўлагингиз оқиб кетади.

НОРДОН МАСАКАТЛАР

ҚАРАНГ, ҚАРАНГ...

Пародия

Нохос шамол эсди-я, йўлакка қаранг,
йўлакка!
Кампир борар солланиб — кўйлакка
қаранг, кўйлакка!

Чоллар оғзи ланг очик — сўлакка қаранг,
сўлакка!
Сомондан дон ажратар — элакка қаранг,
элакка!!!

Тарози минг йилки бозорда — паллага
қаранг, паллага,
Шляпа саллалар, ничево, каллага қаранг,
каллага...

Иштонбоғда носқовок, Ваққосга қаранг,
Ваққосга,
— Дунёнинг мазаси носдадур! — Таққосга
қаранг, таққосга...

Онаси минг хушрўй бўлсаям кизига
қаранг, кизига...
Баланд бўлса пошнаси — изига қаранг,
изига...

Ишқомларда товланган — узумга қаранг,
узумга,
Винолар қилиб ичдим — юзимга қаранг,
юзимга...

Кўлга олдим торимни — товушга қаранг,
товушга...
Тўйхонани чангитган — қовушга қаранг,
қовушга...

Хуллас, гапим кўп мани — сўзимга
қаранг, сўзимга,
«Тўй бола»ни бой қилган — ўзимга
қаранг, ўзимга...

Амир НАРЗУЛЛО

— Ютқазганинг яхши бўлди, — деди устоз юзлари моматалоқ шогирдининг елкасига қоқиб. — Яна бир йил кўнглини туқ қилиб ишларканмиз-да.

— Ютганимда нима буларди? — деди шогирд хумрайиб.

— Ҳолимизга маймунлар йиғларди.

— Ни...

— Ра...

таниди-

—

—

мийлик

шини-чи?

— Танимадим.

— Ана, кўрдингми, бокс фақат муштла-

пиш эмас, одамларни таниш ҳамдир. Бу

сенга мактаб булсин.

— Мактаб, мактаб...

— Мингирлама! «Полвон» фирмасини би-

ласанми?

— Билмайман.

— Полвон Паттаевични-чи?.. Билмайсан.

Агар Полвон Паттаевич булмаганларида, биз

мусобақага қатнашолмасдик.

— Нахотки?

— Яна бошингни ишлатмаяпсан! Ахир

«Полвон» фирмаси бизнинг ҳомийимиз, Пол-

вон Паттаевич шу фирманинг бошлиғи, ра-

қибинг эса у кишининг жиянлари...

— Нега буларни менга олдинроқ айтмаган-

сиз?

— Олдинроқ айтсам, бунинг қизиги қол-

масди. Ундан сунг мендан ўпкаланиб юра-

динг. Сен кўнглингни чуқтирма, ҳали ҳам-

маси олдинда. Яхшироқ ҳомий топсак, ҳам-

масини ютаимиз...

ДАДА

Ҳажв

мага?
қибингни
нми узи?
Йўқ.
Бизга ҳо-
қилган ки-

Илҳом ЗОЙИР

ҒҮР ТАЛАБА
—ЗҮР ТАЛАБА

Ўқишга ҳам кириб олдинг, қандингни ур, талаба,
Талабалик олтин давринг, даврингни сур, талаба.

Гарчи Ватан фарзандисан, факултетда асрандисан,
Шундай экан, қаддингни ҳам сал билиб юр, талаба.

Ётмай қолса стипендия, уйга ботма, ишлат мия,
«Ипподром» бозорига йулингни бур, талаба.

Талабасан — номинг улуғ, бўлса ҳамки чўнтақ қуруқ,
Хар доимо юзда сурур, қалбда гурур, талаба.

Ойи, дада, асалом, деб, аҳвол чатоқ, пултамом, деб,
Баъзан ота-онанга ҳам хат ёзиб тур, талаба.

Бўлмоқ керак гапга уста, нима деса староста
Битганиндан қолмасанг ҳам «хўп-хўп»лаб тур, талаба.

Зачёт дарди бедаводир, имтиҳон ҳам бир балодир,
Сенга қолса иккови ҳам асли бир гур, талаба.

Қизлар урса юрагингдан, лаб ачишса сўлагингдан,
Биттасини четга тортиб, гап солиб кўр, талаба.

Уйнашмагин домла билан, уенгар бир ҳамла билан,
Семестрнинг охирида ўзингдан кўр, талаба.

Ўз вақти бор ҳар ишнинг ҳам, унутмагин ўқишни ҳам,
Вақтида қил дарсингни-ю, ухла «хур-хур», талаба.

Бу гапларни ким ёзди деб, муаллифни сўкманг ҳадеб,
Таниб қўйинг, Рустам асли бир содда, гур талаба.

Рустам Жабборов

КИМГА ҚАНДОҚ

Америкалик талабаларнинг энг се-
вимли таомлари хот-догдир. Уларнинг
таъкидлашича, сосиска кишига жисмо-
ний қувват берар, сабзили салат эса мия
фаолиятини кучайтирар экан.

Кореялик талабалар эса аччиқ таом-
ларни маъқул қуришади. Сабаби, қа-
лампис хотирани кучайтиришга хизмат
қилар экан.

Ҳиндистонлик талабалар купроқ чой-
га мойиллик билдирадilar. Уларнинг
фикрича, сутли чой танга қувват берар,
ширин чой эса мия фаолиятини кучай-
тириб, хотирани мустаҳкамлар экан.

Гарбий Овруподаги бир қатор мамла-
катларнинг талабалари қаҳвани ҳуш қу-
ришади. Чунки қаҳва чарқоқни чиқа-
риб, кишига жисмоний ва руҳий қувват
бағишлаши ҳамда кайфиятни кутари-
шини врачлар ҳам тасдиқлашган.

Бу борада Тошкент Давлат Универси-
тети талабаларининг фикри узгача...

Масруф ТОШПЎЛАТОВ тайёрлаган



Сиз қандай изоҳлайсиз: гап ошдами, иликда?

Оила ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Болалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шioriимиз:
Оила - жамият фахри

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефонлар:
Бош муҳаррир - 133-28-20
Котибият - 34-86-91
Эълонлар бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Манзил Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 19.30

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - якка обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Руйхатга олиш № 33
Буюртма Г- 01151
29711 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кунлари чиқади.
Баҳоси эркин нархда.
Навбатчи Раҳмон ҚОДИР